



Б У Й Р У К №_172_

Нукус шаҳри

«_08__»_09_ 2025 йил

**Шифохона ва унинг бўлимларида қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини
босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 29 августандаги "Шифохона ва унинг бўлимларида қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисида"ги 270-сонли ва Қарақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 8 сентябрдаги №193 сонли буйруқлари талаблари ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-декабрдаги ПҚ-415-сон қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг 2024-йил 17-декабрдаги 384-сонли буйруғи билан Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини автоматлаштириш талабларини ишлаб чиқиши, "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" ахборот тизимларини (кейинги ўринларда ИМИС, PACS, ДМЕД) такомиллаштирилган талқини ишлаб чиқилганлиги ҳамда шифохона ва шифохона бўлимларида юритиб келинаётган журнallар ва бланкалар электрон кўринишга ўтказилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Шифохона ва унинг бўлимларида:

биринчи босқич жорий йилнинг 1-октябрдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги талаблари асосида шифохона ва унинг бўлимларида қоғоз шаклида юритилаётган қуйидаги:

- ультратовуш текширувларни қайд этиш журнали (018-шакл);
- рентген (Флюорография) текширувларни қайд этиш журнали (017-шакл);
- ЭКГ текширувларини қайд этиш журнали (020-шакл);
- физиотерапия ҳамширасининг кундалик қабул журнали (031-шакл);
- тиббий жиҳоз ва асбоб ускуналарни заарсизлантиришни қайд этиш ва марказий стерилизация бўлимларига топшириш журнали (032-шакл);
- асбоб ускуналарни қабул қилиш ва заарсизлантириш журнали (033-шакл);
- лаборатор таҳлилларни қайд этиш журнали (034-шакл);
- тиббиёт ходимларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ўтказган тадбирларини қайд этиш журнали (038-шакл);
- юқумли касаллик, озиқ-овқатдан ўткир, касбига кўра иш жойида заҳарланиш, эмланганда ўзгача реакциялар ҳақида тезкор хабарнома (058-шакл);

- катта ҳамшира ёки лаборантнинг бюджет ҳисобига олинган дори воситаси, диагностикум, реактив ва тиббий буюмлари миқдорий ҳисобга олиш журнали (059-шакл);

- муолажаларни қайд этиш журнали (059-1-шакл);

- юқумли касалликларни қайд этиш журнали (060-шакл);

- шифохонадан чиқарилганларнинг статистик картаси (066-шакл);

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1-НОЯБРДАН КУЙИДАГИЛАР:

- Тиббий муассасага қабул қилинган ёки рад этилганларни ҳисобга олиш журнали (001-шакл);

- қабул қилинган ва рад этилган ҳомиладорларни, туққан аёлларни ҳисобга олиш журнали (002-шакл);

- чақалоқлар бўлими (хона) журнали (102-шакл);

- bemornining тиббий картаси (003-шакл);

- ҳомиладорликни вақтидан олдин тугатиш тиббий картаси (003-1-шакл);

- реанимация (хона) ва интенсив терапия бўлимидағи bemorni динамик кузатув картаси (ҳамширалик жараёни) (005-шакл);

- наркоз варақаси (005-1-шакл);

- ўтказилган наркозларни қайд этиш журнали (006-шакл);

- bemornining келиб кетиши ва шифохонанинг ўрин фондини ҳисобга олиб бориш варақаси (007-шакл);

- шифохонадаги жароҳлик амалиётини қайд этиш журнали (008-шакл);

- қон таркибий қисмлари ва препаратлари қувишни ҳисобга олиш журнали (009-шакл);

- Шифохона бўлими, кундузги шифохона ёки ихтисослигига кўра ўринлар фондининг йиғма билдиришномаси (016-шакл);

- КТ ва МРТ ва МСКТ текширувларини қайд этиш журнали (019-шакл);

- Эзофагастродуоденоскопик (ЭФГДС), Колоноскопик текширувларни қайд этиш журнали (021-шакл);

- эндоскопик текширувларни қайд этиш журнали (021-1-шакл);

- тиббий муассасадаги bemornining тиббий баённомасидан кўчирма (027-шакл);

- ёмон сифатли ўсма хасталиги бор шифохона bemorinинг тиббий картасидан кўчирма (027-1-шакл);

- муолажа хонасида қон намуналарини олишни қайд этиш журнали (029-шакл);

- физиотерапия бўлимида (хонада) даволанаётган bemorлар картаси (031-1-шакл);

- меҳнатта лаёқатсизлик варогини қайд этиш журнали (036-шакл);

- Антирабик ёрдамга мурожаат қилганларнинг картаси (045-шакл);

- шошилинч (тез) тиббий ёрдам кўрсатиш постидан фойдаланган буюжет дори-воситаси, тиббий буюмларни ҳисобга олиш журнали (059-2-шакл);

- ўлим гувоҳномасини қайд этиш журнали (106-2-шакл);

- перинатал ўлим гувоҳномасини қайд этиш журнали (106-шакл);

шакллари ва бошқа тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари (журналлар) қоғоз шаклида юритиш амалиёти бекор қилинсин.

3. Директорнинг инновация бўйича ўринбосари Б.Жуманиязов, бош ҳисобчи Қ.Сейтниязов, барча бўлим мудирлари, бош ҳамшира Р.Реймова, барча бўлим катта ҳамширалари, филиал АКТ ходимлари А.Султанов, Ш.Назарбаев, Е.Бийсенбаев, Б.Оспанов ва А.Пиримбетовлар билан биргаликда:

шифохона ва унинг бўлимларида ахборот тизимини ишлатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилсин ва масъулларни ўқитиш чоралари кўрилсин;

тиббий ҳисоб ҳужжат шаклари босқичма-босқич электрон шаклда юритилишини назоратта олсин;

бунда, ахборот тизимида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини асосли ҳолларда (электр ва интернет тармоқлари узулишлари бўлганда) вақтинчалик ананавий (қоғоз) шаклда қайд этилиб, асосли ҳоллар бартараф этилган кундан электрон тизимга ўз вақтида киритилсин ва асоссиз вақтинчалик ананавий (қоғоз) шаклда қайд этиш қатъиян ман етилсин.

4. Филиал директор ўринбосарлари (Е.Калмурзаев, Ф.Джумамуратов, К.Торешов, Ф.Мамбеткаримов, Б.Жуманиязов) ва барча бўлим мудирларига:

қоғоз кўринишидаги тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари бекор қилиниши билан боғлиқ барча жараёнларни тўлиқ назоратта олсин;

ИМИС, PACS, Д-МЕД ахборот тизими орқали юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклари бўйича мониторинг олиб борсин;

тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари қоғоз шаклда юритилишига йўл қўйган масъулларга ва ходимларга ўрнатилган тартибида тегишли чоралар кўриб борилсин.

5. Тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари белгиланган муддатларда босқичма-босқич рақамлаштирилишини инобатта олган ҳолда, ушбу жараён оралиғида айрим ҳисоб шакллари вақтинча ананавий (қоғоз) шаклда юритилади.

Бунда, айрим ҳисоб шаклларининг вақтинча ананавий (қоғоз) шаклда юритилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Мазкур буйруқ талаблари ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор:



С.М.Бегалиев